

ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАР ОДДИЙ ХУСУСИЙ-ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАРДАН ТУБДАН ФАРҚИ

Собир Абдусаматович Набиев

Жиззах вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати судьяси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18557011>

Сўнгги ўн йилликларда экологик муаммолар инсоният тараққиётининг глобал чақириқларидан бирига айланди. Иқлим ўзгариши, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, сув ва ҳаво ресурсларининг ифлосланиши, саноат ва қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ экологик хавфлар ҳуқуқий тартибга солишни кучайтиришни тақозо этмоқда. Шу билан бирга, экологик муносабатларнинг мураккаблашуви экологик ҳуқуқий низолар сонининг ошишига олиб келмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев экологик муаммоларни Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти, аҳоли саломатлиги ва келажак авлод манфаатлари билан узвий боғлиқ стратегик масала сифатида белгилаб берди. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, табиатни асраш — бу фақат экологлар ёки айрим идоралар иши эмас, балки бутун жамиятнинг умумий вазифасидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ёндашувига кўра, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш — бу вақтинчалик чора эмас, балки Ўзбекистон тараққиётини таъминлайдиган стратегик мақсаддир. Экологик барқарорликсиз иқтисодий ўсиш ҳам, соғлом жамият ҳам бўлиши мумкин эмас.

Жамиятда иқтисодёт ривожланган сари турли кўринишдаги низолар хусусан, экологик низолар сони ҳам ортиб бормоқда.

Экологик ҳуқуқий низолар оддий хусусий-ҳуқуқий низолардан тубдан фарқ қилади.

Улар нафақат аниқ шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, балки жамият, давлат ва келажак авлодларнинг манфаатларига ҳам дахлдордир. Шу сабабли экологик низоларни кўриб чиқиш анъанавий процессуал институтлар доирасида эмас, балки махсус ёндашувни талаб этади. Суд жараёнида илмий билимлар, эҳтимоллик, хавф ва олдини олиш тамойиллари муҳим аҳамият касб этади.

Бу муносабатларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларнинг объекти кўпинча моддий шаклга эга бўлмаган, лекин ҳаётий аҳамиятга эга бўлган экологик неъматлардир. Назарий жиҳатдан экологик низоларни қуйидаги белгилар орқали тавсифлаш мумкин:

1. Низонинг объекти экологик неъматлар ва табиий ресурслар билан боғлиқлиги;
2. Жамоат манфаатининг устуворлиги;
3. Низода давлатнинг фаол иштироки;
4. Сабаб-оқибат боғлиқлигини аниқлашдаги мураккаблик;
5. Фан ва техника ютуқларига таяниш зарурати.

Экологик ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш жараёни анъанавий фуқаролик ёки маъмурий низоларни кўриб чиқишдан ўзининг ҳуқуқий моҳияти, исботлаш механизми, суднинг роли ҳамда қабул қилинадиган қарорларнинг мазмуни жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Бу фарқ экологик ҳуқуқнинг ўзига хос предмети — атроф-муҳит, табиий ресурслар, экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш билан белгиланади.

Шу боис экологик низоларни кўриб чиқишда классик процессуал тамойилларни механик тарзда қўллаш кўпинча экологик ҳуқуқнинг ҳимоя функциясини тўлиқ таъминлай олмайди.

Экологик низоларда суд ҳимоясининг предмети ва мақсадининг ўзига хослиги. Экологик низоларда суд ҳимоясининг предмети фақат аниқ бир шахснинг бузилган субъектив ҳуқуқини тиклаш билан чекланмайди. Бундай низоларда суд жамоат манфаатлари, жамиятнинг экологик хавфсизлиги, шунингдек келажак авлодларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳам ҳисобга олиши лозим бўлади. Шу жиҳатдан экологик низоларда суд ҳимояси кўпроқ оммавий-ҳуқуқий характер касб этади.

Анъанавий процессуал моделда суд қарорининг асосий мақсади етказилган зарарни қоплаш ёки бузилган ҳуқуқни тиклашдан иборат бўлса, экологик низоларда суд қарори кўпинча профилактик ва олдини олувчи характерга эга бўлади. Суд зарар етказилганлигини аниқлаш билангина чекланмай, экологик хавфни бартараф этиш, хавфли фаолиятни чеклаш ёки тўхтатиш, экологик мувозанатни тиклашга қаратилган чораларни белгилайди. Шу маънода экологик низоларда суд ҳимояси “пост фастум” компенсациядан кўра зарар келиб чиқишининг олдини олишга йўналтирилган моделга яқинлашади.

2. Суднинг фаол роли ва диспозитивлик тамойилининг чекланиши. Фуқаролик процессуал ҳуқуқида диспозитивлик тамойили асосий ўринлардан бирини эгаллайди, яъни суд ишни фақат тарафларнинг даъволари ва тақдим этган далиллари доирасида кўриб чиқади. Бироқ экологик низоларда мазкур тамойил мутлақ тарзда қўлланилиши экологик манфаатларнинг етарли даражада ҳимоя қилинмаслигига олиб келиши мумкин.

Экологик низоларда суднинг фаол роли объектив зарурат сифатида намоён бўлади.

Суд далилларни талаб қилиш, қўшимча экспертиза тайинлаш, мутахассисларни жалб этиш, ҳатто тарафлар кўрсатмаган ҳолатларни ҳам аниқлаш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Бу ҳолат экологик ҳуқуқнинг эҳтиёткорлик ва олдини олиш тамойилларидан келиб чиқади.

Мазкур тамойилларга кўра, экологик хавф эҳтимоли мавжуд бўлган тақдирда ҳам давлат ва суд органлари фаол ҳаракат қилиши шарт.

Шу тариқа экологик низоларда суд пассив арбитр эмас, балки экологик адолатни таъминловчи фаол институт сифатида намоён бўлади.

3. Исботлаш предмети ва исботлаш юқининг ўзига хослиги. Экологик низоларни кўриб чиқишда исботлаш масаласи энг мураккаб процессуал муаммолардан бири ҳисобланади. Анъанавий ёндашувга кўра, даъвогар ҳуқуқбузарлик фактини, етказилган зарар мавжудлигини, зарар миқдорини ва сабаб-оқибат боғлиқлигини тўлиқ исботлаши лозим. Бироқ экологик низоларда бундай талаб кўпинча амалда бажариб бўлмайдиган вазифага айланади.

Экологик зарар кўпинча:

узоқ вақт ўтгач намоён бўлади;

кўп манбали бўлади;

илмий ноаниқлик билан тавсифланади;

эҳтимоллик характерига эга бўлади.

Шу сабабли экологик низоларда сабаб-оқибат боғлиқлигини қатъий ва мутлақ исботлаш талаби экологик ҳуқуқнинг ҳимоя функциясини издан чиқариши мумкин. Хорижий суд амалиётида бундай ҳолатларда исботлаш юқини енгиллаштириш ёки уни жавобгар зиммасига ўтказиш механизмлари кенг қўлланилади. Масалан, экологик хавф манбаи бўлган фаолиятни амалга ошираётган шахс ўз фаолиятининг экологик жиҳатдан хавфсиз эканлигини исботлаши лозим бўлади. Шунингдек, экологик низоларда эҳтимоллик асосида хулоса чиқариш ва илмий тахминларга таяниш суд қарорларини асослашнинг қонуний воситаси сифатида эътироф этилади.

4. Экологик экспертизанинг марказий процессуал аҳамияти. Экологик низоларни кўриб чиқишда экологик экспертиза оддий ёрдамчи далил эмас, балки марказий процессуал институт сифатида намоён бўлади. Экологик экспертиза судга экологик зарар мавжудлиги, унинг қўлами, хавф даражаси ва келажақдаги эҳтимолий оқибатларини аниқлаш имконини беради. Суд экологик экспертиза хулосасини баҳолашда унинг:

- илмий асосланганлиги;
- мустақиллиги;
- комплекслиги;

• замонавий илмий маълумотларга таянилганлигини инобатга олиши лозим. Шу билан бирга, суд эксперт хулосасига мутлақ боғланиб қолмасдан, уни бошқа далиллар билан биргаликда баҳолаши зарур. Экологик низоларда фан ва ҳуқуқ ўртасидаги узвий боғлиқлик суд фаолиятининг ажралмас қисмига айланади.

5. Жамоат манфаатлари ва процессуал субъектлар доирасининг кенгайиши.

Экологик низоларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири — жамоат манфаатларининг устуворлигидир. Бу ҳолат процессуал субъектлар доирасининг кенгайишига олиб келади.

Экологик низоларда нафақат бевосита зарар кўрган шахслар, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари, экологик жамоат бирлашмалари ва бошқа жамоат вакиллари ҳам судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Бундай ёндашув экологик ҳуқуқнинг демократик ва иштирокчилик характерини кучайтиради. Процессуал жиҳатдан бу судга мурожаат қилиш ҳуқуқини кенг талқин қилишни, даъволарни қабул қилишда ортиқча формализмга йўл қўймасликни тақозо этади. Жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш экологик низоларда суднинг алоҳида вазифасига айланади.

6. Суд қарорларининг мазмуни ва ижросининг ўзига хослиги. Экологик низолар бўйича суд қарорлари кўпинча мураккаб ва комплекс характерга эга бўлади. Суд қарори нафақат зарар қоплашни, балки:

- экологик хавфли фаолиятни тўхтатиш;
- муайян мажбуриятларни юклаш;
- экологик ҳолатни тиклаш;
- мониторинг ва назорат чораларини белгилаш

каби талабларни ўз ичига олиши мумкин. Бундай қарорларнинг самарадорлиги уларнинг реал ижросига бевосита боғлиқ бўлади. Шу сабабли экологик низоларда суд қарорларининг ижроси устидан доимий суд назорати муҳим аҳамият касб этади.